**ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ КИМЁ – ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

«ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ВА СИЁСИЙ ФАНЛАР»
КАФЕДРАСИ

# СОЦИОЛОГИЯ

фанидан семинар машғулотлари

ТОШКЕНТ – 2008 й.

**Ушбу услубий қўлланма ТКТИ Илмий-услубий Кенгашида муҳокама қилинган ва __ сонли баённома билан «9»январ 2007 йил тасдиқланган.**

Тузувчилар:Кат. ўқ Нурматова С.
С.Абдураҳимов

Аннотация: **Ушбу услубий қўлланма талабаларда «Социология» фанидан билим ва кўникмаларни шакллантириш, жамиятдаги ижтимоий жараёнлар, юз бераётган ўзгаришлар тенденцияси моҳиятини ёшлар томонидан англаб олишларига ёрдам беришдан иборат.**

Шунингдек "Социология"фанининг асосий категорияларини мукаммал ўрганиш учун талабаларга жамият, жамоа, статистика, жамоатчилик фикри, ижтимоий гуруҳ, ижтимоий жараён, ижтимоий вазифа ва бошқа бир қатор тушунчаларнинг моҳиятини ўрганиш учун тавсия қилинади.

МАВЗУЛАР РЕЖАСИ

| № | Мавзуларнинг номлари | Амалий машғулот | Мустақил таълим |
|---|---|---|---|
| 1 | **Социология фанининг предмети. Обекти ва ижтимоий фанлар тизимидаги ўрни** | 2 | 2 |
| 2 | **Социология фанининг юзага келиши ва тариқий этиши** | 2 | |
| 3 | **Антик дунё Социологияси Шарқ мутафаккирларининг социологик қарашлар.** | 2 | |
| 4 | **Ғарбий Европа социология мактаби XX аср социологияси** | 1 | |
| 5 | Ижтимоий муносабатлар социологияси | 1 | |
| 6 | Фан ва таълим маданияти,дин ва аҳлоқ социологияси | 2 | |
| 7 | Ижтимоий стротификация ва ёшлар Девиант хулқ атвор социологияси | 2 | |
| 8 | Шахс жамият ва ижтимоий бошқарув социологияси | 2 | |
| 9 | Оила мақоми ўз-ўзини бошқарув социологияси | 2 | |
| 10 | Социология тадрижий ташкил этиш усуллари | | 2 |
| | **Жами: 20** | | |

**Семинар машғулотлари**

**1-машғулот. Социология фанининг придмети, объекти ва ижтимоий фанлар тизимидаги ўрни. 2 соат.**

**Режа:**

1. Социология атамаси, предмети ва объекти.
2. Социологиянинг ижтимоий фанлар тизимидаги ўрни.

3.О.Конт, П.Сорокин, Э.Дюркгейм, М.Вебер, Т.Парсонслар социологиянинг мавқеи, роли ва ўрнига берган таърифлари.

Социология лотинча (жамият) ва грекча (сўз, таълимот) сўзларидан келиб чиққан бўлиб, жамият ҳақидаги фан маъносини англатади. Жамиятни тушуниш, англаш, унга нисбатан сўз муносабатини билдиришга тенг бўлиб инсониятнинг ҳамма тарихи учун хос бўлган. "Социология" ҳақидаги тушунча биринчи маротаба XIX - асрнинг 30 - йилларида француз файласуфи Огюст Конт томонидан илмий қўлланишга киритилган.

Унинг тушунишича социология жамиятга тааллуқли бўлган ҳамма нарсаларни ўз ичига олган жамиятшунослик билан бир қаторда турган.

Социологиянинг асосчиси француз мутафаккири О. Конт социологияни жамият ҳақидаги тажрибага асосланган фан деб ҳисоблайди. Э. Дюркгейм социологиянинг предметини социал далиллар ҳақидаги фан деб атайди.

Марксизмда социология предмети ижтимоий тизим сифатида жамиятда ва унинг тузилмавий элементларини ташкил этган шахслар, ижтимоий бирликлар, ижтимоий институтларни илмий асосда ўрганиш ҳисобланади.

Социология жамият ҳақидаги фандир. Социология жамиятнинг мураккаб ижтимоий организми сифатида. талқин қилинган. Социологик тафаккурнинг муҳим жиҳатлари. Социология тўғрисида О.Конт, П.Сорокин, Э.Дюркгейм, М.Вебер, Т.Парсонсларнинг таърифлари. Социологиянинг мавқеи, роли ва ўрнининг назарий ва амалий асослаб берилган..

Социология фанининг соҳвий тизимлари ва ижтимоий фанлар тизимидаги ўрни, унинг фанлараро тадқиқотларни уйғунлаштиувчи мавқеининг умумий таснифидир. Социологиянинг фалсафа билан узвий алоқаси шунда кўринади-ки, умумсоциологик назариялар ва амалий социологик тадқиқотлар маълум методологик асосга таянадилар. Шундай асосни эса фалсафа фани яратади. Социология фалсафага нисбатан мустақилликни шунга асосланиб эълон қилади-ки, у ўз олдига ижтимоий муаммоларни воқеликни илмий, англаш усули асосида ҳал этиш вазифасини қўяди.

Социология статистика фани билан ҳам мустаҳкам алоқада ривожланади. Бу икки фаннинг ўзаро алоқалари шу қадар яқинки, социологиянинг ривожланиши статистик ёндашувларсиз тасаввур қилиш қийин. Социология шунингдек, иқтисодий назария, бошқарув назарияси, тарих, педагогика, ҳуқуқшунослик, сиёсатшунослик каби фанлар билан ҳам мустаҳкам алоқада ривожланади.

**Таянч сўз ва иборалар**

Структурал - функционализм таълимоти, таркибий - функционал таҳлил, эмпирик билиш, позитив оқим, обстракция, онтология, институтционал социология, фундаментал социология, феноменология, социометрия.

**Назорат ва мустаҳкамлаш учун саволлар.**

1. Социология фани нимани ўрганади?
2. Социология қандай таркибий тузилишга эга?
3. Социология фанини қайси фанлар билан боғлаб ўрганиш мумкин?
4. Социологик қонунларни изоҳлаб беринг.
5. Социологиянинг ижтимоий вазифалари нималардан иборат ?

Адабиётлар.


1. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. Тошкент, «Шарқ», 1999.
2. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Тошкент, «Ўзбекистон», 2000.
3. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси. Тошкент, «Ўзбекистон», 2000.
4. Алиқориев Н.С. ва бошқалар. Умумий социология. Тошкент, ТошДУ,1999.
5. Бекмуродов М. Социология асослари. Тошкент, «Фан», 1994.
6. Бегматов А. Социологияга кириш. Андижон, 1995.
7. Холбеков А., Идиров У. Социология. Луғат. Тошкент. «Ибн Сино» , 1999.
8. Бекмуродов М., Ота-Мирзаев О., Алиқориев Н. Ва бошқалар. Социология. Тошкент 2000.
9. Энтони Гидденс. Социология.Тошкент, 2002.
10. Жураев Н. «Тарих фалсафаси» Т. «Маънавият»1999.
11. «Умумий социология» Т.ТошДУ.1999.184-б
12. Абу Наср ал-Форобий «Фозил одамлар шаҳри».Т1998.
13. Инсон ва жамият курси бўйича қўшимча ўқув қўлланма. Т.Ғ.Ғулом номидаги адаб. ва санъат нашр.1999.
14. Хан С.,Хан Р. «Социология» Т.Адолат.1999.27-б


**2-машғулот. Антик дунё социологияси. Шарқ мутафаккирларининг социологик қарашлари. 2-соат.**

**Режа:**

1. Антик давр мутафаккирлари инсон мақсади тўғрисида.
2. Шарқ мутафаккирларининг социологик қарашлари:

а)Зардўшт жамиятдаги яхшилик ва ёмонлик кучлари ўртасидаги кураш ҳақида

б) Хитой мутафаккирларининг ижтимоий қарашлари. Конфуций,

Абу Наср ал-Фаробий, Абу Райхон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Юсуф Хос Хожиб, Амир Темур, Улуғбек, АлишерНавоий ,Заҳириддин Муҳаммад Бобур ларнинг инсон эрки ва тафаккур тарзи тўғрисидаги социологик карашлари.

Антик дунё социологияси инсон мақсади тўғрисида. Антик дунё социологиясининг гуруҳларга бўлиниши: I. Энг қадимги грек социология мактаби (Гомер, Милет, Фалес, Анаксимандр, Анаксимен, Ксенофан, Пифагор); II. Грек демократияси равнақи даври социологияси (Гераклит, Парменид, Зенон, Эмпидок, Анаксагор, Левкипп, Демокрит, Протагор, Горкий); III. Антик дунё оламининг «олтин даври»: (Сократ, Платон, Аристотель).

Шарқ мутафаккрларининг социологик қарашлари. Шарқ мутафаккрла- рининг ижтимоий жамоаларга берган баҳоси ва уларнинг социологик қарашларидаги хилма-хилликлар. Зардўшт жамиятдаги яхшилик ва ёмонлик кучлари ўртасидаги кураш ҳақида. Муроса концепцияси Митра тимсоли орқали ифодаланиши. Митраизм оқими ва унинг таъсири. Шарқ социологияси мактабида Хитой мутафаккирларининг ижтимоий қарашлари. Конфуцийнинг осмоний ғоя назарияси, жамиятни бошқариш тўғрисидаги фикрлари.

Қадимги Шарқ фалсафаси, унинг теологияси асослари ва унинг Мовароуннахр ҳудудида яшовчи халқларнинг ижтимоий жараёнларга муносабати. Ислом динининг шу ерда истиқомат қилувчи халқларга таъсири. Бу ҳақда Абу Мансур ал-Мотуридийнинг муросавий мувозанат концепцияси.

Улуғ мутафаккир Ал-Фаробийнинг табиат ва жамиятни социологик англаш ва ўрганиш тўғрисидаги фикрлари. Бобокалонимиз Абу Райхон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Юсуф Хос Хожиб, Амир Темур, Улуғбек, Алишер Навоийларнинг инсон эрки ва тафаккур тарзи тўғрисидаги социологик карашлари.

Социологияни фан сифатида тасаввур этиш учун энг аввало унинг вужудга келиши ва тарихий ривожланиш босқичларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эгадир. Ижтимоий хаёт ривожланиши қонуниятларини ўрганишга қаратилган таълимотлар, қарашлар эрамиздан аввалги IV-асрдаёқ юнон файласуфлари Афлотун (эрамиздан аввалги 427-347йил)нинг “Конунлар”, “Давлат тўғрисида”, Арасту (эрамиздан аввалги 384-322 йил)нинг “Сиёсат тўғрисида”, “Метафизика”, “Этика”, Протагорнинг (Эрамиздан аввалги 490-420йил) “Ҳақиқат” каби асарларида ёритилган.

Марказий Осиёнинг мутафаккирлари бўлмиш Абу Наср Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзо каби улуғ алломалар ўз даври ижтимоий хаётининг турли соҳаларини илмий асосда тадқиқ қилганлар ва ўзларининг ижтимоий қарашларини асарларида ёзиб қолдирганлар.

Абу Наср Фаробий ўзининг “Фозил шаҳар аҳли қарашлари ҳақида китоб”, “Сиёсат ал - мадания” каби асарларида олийжаноб жамият, адолатли тузум, одил хукумдорлар ҳақида ўз фикр -мулохазаларини баён қилган. У ўзи яшаган даврнинг ижтимоий тизимини, унинг зиддиятлари ва бу

зиддиятларнинг келиб чиқишидаги муаммоларни назарий жиҳатдан таҳлил қилишга уринган.

“Маданий жамият ва маданий шаҳар шундай бўладики, шу мамлакатнинг аҳолисидан бўлган ҳар бир одам касб-ҳунарда озод, ҳаммага баравар бўлади, кишилар ўртасида фарқ бўлмайди, ҳар ким ўзи истаган касб-ҳунар билан шуғулланади. Одамлар чин маъноси билан озод бўладилар” - каби фикрлари  Фаробийнинг жамият ҳаётини чуқур таҳлил қилганлигидан далолат беради.

Абу Райҳон Беруний ўзининг “Кадимги ҳалқлардан қолган ёдгорликлар”, “Минералогия”, “Ҳиндистон” асарларида ижтимоий ҳаёт масалаларини ёритган.“Минералогия” асарининг муқаддимасида инсон ва унинг ижтимоий аҳволи, ердаги бурчи, олийжаноблиги, шунингдек жамият ҳаёти, ижтимоий адолат тўғрисидаги қимматли фикрларни баён этган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам “Бобурнома” асарида ўз даври ижтимоий хаёти воқелигини, инсон шахси хусусиятларини, яхши  ва ёмон томонларини, Андижондан -Ҳиндистонга қадар бўлган улкан ҳудудда яшаган халқларнинг ижтимоий жихатларини шахсий кузатишлари, илмий тадқиқотлари асосида ўрганган ва ёзиб қолдирган.

Юқорида номлари зикр этилган буюк мутафаккирлар яшаган даврда социология ҳали мустақил фан сифатида шаклланмаган эди. Уларнинг ижтимоий хаёт жараёнлари тўғрисидаги илмий тадқиқотлари натижалари эса ижтимоий - фалсафий қарашлар тарзида номоён бўлган.

**Таянч сўз ва иборалар**

Антик дунё,  қадимги грек социология мактаби. II. Грек демократияси равнақи даври социологияси; III. Антик дунё оламининг «олтин даври»: Сократ, Платон, Аристотель. Шарқ мутафаккрларининг социологик қарашлари. Ал-Фаробий, Беруний, Абу Али Ибн Сино, Юсуф Хос Хожиб, Амир Темур, Улуғбек, Алишер Навоий.

**Назорат ва мустаҳкамлаш учун саволлар:**

Антик дунё мутафаккирларининг социологик қарашлари хакида нималар биласиз?

Муқаддас китоб “Авесто”,  Конфуций таълимоти  ҳақида қандай маълумотларга эгасиз?

Марказий Осиё мутафаккирларининг социал қарашларини таърифланг. (Форобий, Ибн-Сино, А. Беруний ва бошқалар).

Адабиётлар.

1. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. Тошкент, «Шарқ», 1999.
2. Каримов И.А Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Тошкент, «Ўзбекистон», 2000.
3. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси. Тошкент, «Ўзбекистон», 2000.

4. Аliқориев Н.С. ва бошқалар. Умумий социология. Тошкент, ТошДУ,1999.
5. Бекмуродов М. Социология асослари. Тошкент, «Фан», 1994.
6. Бегматов А. Социологияга кириш. Андижон, 1995.
7. Холбеков А., Идиров У. Социология. Луғат. Тошкент. «Ибн Сино» , 1999.
8. Бекмуродов М., Ота-Мирзаев О., Алиқориев Н. Ва бошқалар. Социология. Тошкент 2000.
9. Энтони Гидденс. Социология.Тошкент, 2002.
10. Жураев Н. «Тарих фалсафаси» Т. «Маънавият»1999.
11. «Умумий социология» Т.ТошДУ 1999 184-б
12. Абу Наср ал-Форобий «Фозил одамлар шаҳри».Т 1998.
13. Инсон ва жамият курси бўйича қўшимча ўқув қўлланма. Т.Ғ.Ғулом номидаги адаб. ва сан.нашр.1999.

**3-машғулот. Социология фанинг юзага келиши ва тараққий этиши 1-соат**

**Режа:**

1. Социологиянинг фан сифатида вужудга келиш босқичлари.
2. Социологиядаги асосий йўналишлар.
3. Г.Спенсер, О.Конт, З.Фрейд, Э.Дюркгейм, М.Веберларнинг социология назариясининг ривожлантиришдаги ўрни.

Социология фанин юзага келиши ва тараққий этиш жараёнлари Социологияжамият ҳақидаги фандир.О. Конт томонидан 1839-йилда “Позитив фалсафа курси” асарининг учинчи томи нашр этилганлиги натижасида биринчи маротаба у жамиятни илмий асосда ўрганиш сифатида социология терминини қўллади ва бу социологиянинг шаклланиши ва ривожланишига олиб келди.

Социология эса бу позитив билимлар чўққисидир. У ўз тадқиқотларида позитив услубга суянади. Позитив услуб кузатишлардан тўпланган тажриба ва тадқиқотларни таққослаш, ишончли, текширилган, эътирозни туғдирмайдиган эмпирик маълумотлар мажмуини назарий таҳлил этишга суянган. О.Конт томонидан жамият ҳақидаги фанни шакллантиришда меҳнат тақсимоти ва кооперациялашнинг зарурлиги ҳақидаги қонуннинг очиб берилиши навбатдаги муҳим якун бўлади. Бу омиллар жамият тарихида жудда катта ижобий аҳамиятга эга. Шу туфайли социал ва касбкорлик гуруҳлари юзага келади, жамиятнинг хилма - хиллиги ўсади ва одамларнинг моддий фаровонлиги кўтарилади.

О. Конт ўз қарашларидан келиб чиқиб, социологияни икки қисмга : социал турғунлик ва социал жўшқинликка бўлади.

О. Контнинг кўпгина ғоялари, аввало табиат ва жамият ҳақидаги фанларнинг ижобий кўрсатмаларидан социологияда фойдаланиш, шунингдек яхлит социал организм бўлган жамият ҳақидаги тасаввурларини қабул қилиб уни ривожлантирган мутафаккирлардан бири Герберт Спенсердир. (1820-1903)

О. Конт каби Г. Спенсер ҳам кенг маълумотга эга бўлган олим, ўз даврининг буюк ақл эгаларидан бири ҳисобланади. У фалсафа, социология, психология ва бошқа фанлар бўйича қатор жиддий асарлар муаллифидир. Г. Спенсернинг асосий асари "Синтетик фалсафа системаси" бўлиб, унда табиий ва социал воқеаларнинг тарихий ривожланиши ҳақидаги чуқур қарашларини баён этган. Г. Спенсер социологиядаги организмга оид мактабнинг асосчиси ҳисобланади.

Спенсер жамиятни парчаланиши муаммосини - мувозанат, уйғунлик ва барқарор қарама - қарши бўлган жараён деб ҳисоблаб, ўз қарашларини баён этган. Жамиятнинг парчаланиши унинг фикрича инқирозга учраши орқали юз беради. Бу жараён ички, шунингдек ташқи сабаблар таъсири натижасида содир бўлади.

XIX- асрнинг охири XX- аср бошларидаги социологик позитивизмнинг кўзга кўринган вакилларидан бири, бу француз социологи Эмиль Дюркгеймдир (1858-1917). У бир неча маротаба О. Конт ва Г. Спенсерлар социологик қарашининг аҳамиятини таъкидлаган, уларни танқидий англаган ва янада ривожлантирган. У бир бутун социал организм бўлган жамият ҳақидаги назариясини ишлаб чиқишни ривожлантирган.

Социология,- деб ёзади у, социал далиллар ҳақидаги фан бўлиб, унинг остида сиёсий, хуқуқий, ахлоқий, диний ва бошқа ғоялар, қоида ва қадриятлар ётади. Дюркгейм фикрича, социал воқеликнинг якуний сабаблари бўлиб, амалиётда рўёбга ошириладиган одамларнинг ғоя ва маданий қадриятлари ҳисобланади. Айнан ана шунда, у ҳар қандай социал эволюциянинг манбаи мавжудлигини кўради. Бунда сўз жамоавий онгни номоён бўлиши сифатидаги ғоялар ва маънавий қадриятлар устида боради

Таянч сўз ва  иборалар

Позитив усул, эмпирик маълумотлар социал статика, социал динамика, позивитивизм, социал реализм, социал далиллар, социал воқелик, классик ва ноклассик социология, этносоциология, метафизика,

**Назорат ва мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1.Социологиянинг фан сифатида вужудга келиш босқичлари қандай ?.
2.Социологиядаги асосий йўналишлар нималардан иборат.
3.Г.Спенсер, О.Конт, З.Фрейд, Э.Дюркгейм, М.Веберларнинг социология назариясининг ривожлантиришдаги ўрни нималардан иборат?.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. Тошкент, «Шарқ», 1999.
2. Каримов И.АКаримо. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Тошкент, «Ўзбекистон», 2000.

3. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси. Тошкент, «Ўзбекистон», 2000.
4. Алиқориев Н.С. ва бошқалар. Умумий социология. Тошкент ТошДУ 1999.
5. Бекмуродов М. Социология асослари. Тошкент, «Фан», 1994.
6. Бегматов А. Социологияга кириш. Андижон 1995.
7. Холбеков А., Идиров У. Социология. Луғат. Тошкент. «Ибн Сино» , 1999.
8. Бекмуродов М., Ота-Мирзаев О., Алиқориев Н. Ва бошқалар. Социология. Тошкент 2000.
9. Энтони Гидденс. Социология.Тошкент, 2002.
10. Жураев Н. «Тарих фалсафаси» Т. «Маънавият»1999.
11. «Умумий социология» Т.ТошДУ.1999.184-б
12. Абу Наср ал-Форобий «Фозил одамлар шаҳри» Т1998.
13. Инсон ва жамият курси бўйича қўшимча ўқув қулланма. Т.Ғ.Ғулом номидаги адаб. ва сан.нашр.1999.
14. Радугин А.А.,Радугин К.А. «Социология» М.,1996.10-20б
15. Лаврненко Р.Н. «Социология» М.,1998.
16. Убайдуллаева Р.Т. «Социология» Т.,1999.

**4-машғулот. Ғарбий Европа социология мактиби**
**1 соат.**
Режа

1. Ғарбий Европа социология мактаби
2. XX аср социологияси
3. XX аср социологиясининг асосий назарий йўналишлари.

Ғарбий Европа социология мактаби. Социологиянинг фан сифатида вужудга келиш босқичлари. XVIII аср охири ва XX аср бошларида Европа жамиятидаги ижтимоий ўзгаришлар. Г.Спенсернинг эволюционизм ғояси. О.Конт позитив социология асосчиси. Социология объекти бўйича Г.Спенсернинг қарашлари. (Польшалик социолог) Л. Гумиловичнинг социология предмети ва объекти бўйича, (Австриялик психолог ва социолог) З. Фрекйднинг психоаналитик назарияси. Социологиянинг расмий мактаби (В.Дильтей, Г.Зиммель, Ф. Теннис). Француз социологи Э.Дюркгеймнинг «Социологизм» ғояси. Немис мутафаккири М. Вебернинг социология назариясини ривожлантиришдаги ўрни.

XX аср социологияси. Неопозитивизм мактаблари: эмпирик, символик интеракционизм, бихейвиоризм, Т.Парсонснинг структурал функционализми. Р.Мертон структурал функционализмининг ривожланиши. Знанецкийнинг эмпирик усуллари. П.Сорокиннинг социологик ғоялари. XX аср социологиясининг асосий назарий йўналишлари. Феноменологик социология ғоялари. А.Шутцнинг ижтимоий таъсир кўрсатиши ва ижтимоий борлиқнинг маъноси ҳақидаги фикрлари.

Социология Франкфурт мактаби, унинг асосий босқичлари. Г.Маркузе социологик ғоялари, унинг шахс ҳақидаги концепцияси.

70-80-йиллар социологиясида реалистик йуналишлар (У.Аутвейн, Р.Бхаскар, Н.Элмас).

**Таянч сўз ва иборалар**

Ғарбий Европа социология мактаби, Г.Спенсер, О.Конт позитив социология асосчиси. Л.Гумилович, З.Фрекйднинг психоаналитик назарияси, Социологиянинг расмий мактаби. В.Дильтей, Г.Зиммель, Ф. Теннис, француз социологи Э.Дюркгеймнинг «Социологизм» ғояси. Немис мутафаккири М.Вебернинг социология назарияси.

**Назорат ва мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1 Ғарбий Европа социология мактаби
2.Немис мутафаккири М.Вебернинг социологик назарияси қандай?.
3..XX аср социологиясининг асосий назарий йўналишлари нималардан иборат.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. Тошкент, «Шарқ», 1999.
2. Каримов И.АКаримо. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Тошкент, «Ўзбекистон», 2000.
3. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси. Тошкент, «Ўзбекистон», 2000.
4. Алиқориев Н.С. ва бошқалар. Умумий социология. Тошкент ТошДУ 1999.
5. Бекмуродов М. Социология асослари. Тошкент, «Фан», 1994.
6. Бегматов А. Социологияга кириш. Андижон 1995.
7. Холбеков А., Идиров У. Социология. Луғат. Тошкент. «Ибн Сино» , 1999.
8. Бекмуродов М., Ота-Мирзаев О., Алиқориев Н. Ва бошқалар. Социология. Тошкент 2000.
9. Энтони Гидденс. Социология.Тошкент, 2002.
10. Убайдуллаева Р.Т. «Социология» Т.,1999.
11. Хан С., Хан Р. «Социология» Т.Адолат.1999.27-б

**5-машғулот** Ижтимоий муносабатлар **социологияси**
**2-соат**

1. Ижтимоий бирдамлик ва кооперация тушунчаси.
2. «Бегоналашув» ва «Маҳаллийчилик» ғояси ва уларнинг зарарли таъсири.

Ижтимоий муносабатлар социологияси. Ижтимоий бирдамлик ва кооперация тушунчаси – жамият барқарорлигинингасосий омили сифатида. О.Конт, Г.Спенсер, Э.Дюркгеймларнинг ижтимоий бирдамлик бўйича тадқиқотлари. Бегоналашув муаммоси социология фанининг муҳим масалалари сифатида Бегоналашув жараёнининг турлари. Психологик ва ижтимоий бегоналашув ва унинг салбий оқибатлари. «Маҳаллийчилик» ғояси ва унинг зарарли таъсири.

Социология фанинннг тизимида социал муносабатлар жуда муҳим ўрин касб этади. Чунки у орқали жамият аъзолари бир-бирлари билан маълум бир муомала ва ижтимоий ҳамкорликка интиладилар. Социологиядаги бу махсус соҳа ўзнинг ўта долзарблиги ва муҳимлиги билан бошқа муаммо ва масалалардан ажралиб турсада, у ҳали мутахассислар томонидан тўлиқ илмий ва системали равишда ўрганилмаган ва илмий адабиётларда етарли даражада ёритилмаган. Социал муносабатлар тушунчасини ўзи хали социология фанида аниқ ва илимий тарифини ғозирча топа олгани йўқ. Авваламбор шуни таъкидлаш зарурки, социал муносабатлар кўпинча ижтимоий муносабатлар тушунчаси билан тенлаштирилади ёки социал муносабатлар ижтимоий муносабатларнинг бир хусусий кўриниши деб талқин қилинади. Мавжуд адабиётларни чуқурроқ тахлил қилинадиган булса шундай хулосага келиш мумкинки, юқорида кўрсатилган фикрларда қимматли асос борлигини билиш мумкин.

Тор маънода социал муносабатларнинг бир мухим элементи ва тури деб интерпритация қилинади. Социал муносабатлар кенг маънода қуйидагича таъриф билан белгиланади.

Социал муносабатлар бу табиат ходисаларидан ўлароқ булиб, унда ижтимоий муносабатларнинг бутун бир тизими мужассамлашгандир.

О. Конт ўзининг позитивистик таълимотида социал муносабатлар муаммоларини худди биологик ходисалар методи билан ўрганиш принципларини кенг тарғиб қилади. Позитивистик-натуралистик йўналишнинг ашаддий рақиби бўлган феноменологик социология социал ҳаёт ва социал муносабатларни бундай усулда талқин қилинганлиги учун О. Конт ва унинг издошларини кескин танқид қилади. Натурализмнинг ва жиддий камчилик ва жиддий хатоликларни бартараф этиш учун феноменологик социология инсон онгининг фаоллиги бу муаммо ечимининг асосий омили деб исботлашга интилади. Бу йўналиш вакилларининг фикрича фақатгина инсоннинг тафаккури туфайли социал воқеликни ва социал муносабатларни конструкциялаш (яратиш) мумкин бўлади. Чунки социал реаллик ва социал муносабатлар инсоннинг интерпретацион фаолияти орқалигина вужудга келади. Феноменологик социологиянинг таниқли вакилларидан бири Д. Силверман юқоридаги ғояларни асослаш учун позитивистик социология назариясини танқид қилади.

Социал бирдамлик тушунчаси социал муносабатлар тизимида муҳим ўрин тутади. Чунки бирдамлик - бу кўпгина маънавий омилларнинг мажмуасидан ташкил топган социологик категория бўлиб, у ижтимоий ҳаётда фаолият кўсатаётган инсонларнинг ижтимоий тараққиёт

масалаларини ҳал қилишларидаги ҳамкорлигининг кўринишидир. Механик бирдамлик - бу “жамоа туридаги” бирдамлик бўлиб, у бу жамоадаги индивидларнинг ўхшашликлари билан белгиланади ва улар томонидан ижтимоий вазифалар бир хил турда бажарилади.

Президентимиз И. А. Каримов таъкидлаб кўрсатганларидек, “ўз-ўзини бошқаришнинг халқимиз анъаналари ва қадриятларига жуда хос бўлган усули — маҳаллалар тизими сўнгги йилларда жуда катта нуфузга эга бўлиб бормоқда энг адолатли муҳит, энг адолатли ижтимоий шароит, вазият фақат маҳаллада бўлиши мумкин. Ҳар бир корхона, ҳеч бир давлат идораси ёки жамоат ташкилоти бу борада тенглаша олмайди”.

**Таянч сўз ва иборалар**

О.Конт, Г.Спенсер, Э.Дюркгейм, Д. Силверман, ижтимоий муносабатлар социологияси, Ижтимоий бирдамлик, кооперация, позитивистик таълимот, феноменологик социология, конструкциялаш, интерпретацион фаолият, биологик ходисалар методи, ижтимоий ҳамкорликка.

**Назорат ва мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1.Ижтимоий бирдамлик ва кооперация тушунчаси нималардан иборат..
2.«Бегоналашув» ва «Маҳаллийчилик» ғояси ҳақида тушунча беринг.

Адабиётлар.


1. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. Тошкент, «Шарқ», 1999.
2. Каримов И.А Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Тошкент, «Ўзбекистон», 2000.
3. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси. Тошкент, «Ўзбекистон», 2000.
4. Алиқориев Н.С. ва бошқалар. Умумий социология. Тошкент, ТошДУ,1999.
5. Бекмуродов М. Социология асослари. Тошкент, «Фан», 1994.
6. Бегматов А. Социологияга кириш. Андижон, 1995.
7. Холбеков А., Идиров У. Социология. Луғат. Тошкент. «Ибн Сино» , 1999.
8. Бекмуродов М., Ота-Мирзаев О. Алиқориев Н. Ва бошқалар. Социология. Тошкент 2000.
9. Энтони Гидденс. Социология.Тошкент, 2002.
10. Жураев Н. «Тарих фалсафаси» Т. «Маънавият»1999.
11. «Умумий социология» Т.ТошДУ.1999.184-б
12. Абу Наср ал-Форобий «Фозил одамлар шаҳри».Т1998.
13. Инсон ва жамият курси бўйича қўшимча ўқув қўлланма. Т.Ғ.Ғулом номидаги адаб. ва сан.нашр.1999.
14. Радугин А.А.,Радугин К.А. «Социология» М.,1996.10-20б
15. Лаврненко Р.Н. «Социология» М.,1998.

16. Убайдуллаева Р.Т. «Социология» Т.,1999.
17. Хан С.,Хан Р. «Социология» Т.Адолат.1999.27-б

**6- машғулот Фан ва таълим маданияти,дин ва аҳлоқ социологияси**.

**2 соат.**

**Режа:**

1. Дин социологияси. Дин социологиясини ўрганишнинг аҳамияти.
2. Маданият социологияси.
3. Аҳлоқ социологияси. Аҳлоқ ва ижтимоий муносабатлар.

Фан социологияси. Фан социологиясининг предмети.

А.А.Зворкиннинг фан социологияси тўғрисида тадқиқотлари АҚШдаги фан социологияси бўйича тадқиқотларнинг натижалари. Социология ва фан тизимидаги муаммолар. Илмий кадрларни баҳолаш меҳанизмлари. Фан таъминотининг концептуал вазияти. Фаннинг бошқарув ва ахборот таъминоти.

Дин социологияси. Дин социология фанининг муҳим объекти сифатида. Диннинг ўзига хос белгилари. Дунё динлари: буддизм, христианлик ва ислом. Уларнинг таснифлари. Динларни таҳлил қилишда Абу Райхон Беруний, Абу Наср Фаробий, Абу Али Ибн Сино ва М.Веберларнинг тадқиқотлари. Диндаги ақидапарастлик (фундаментализм) оқимлари ва уларнинг салбий оқибатлари. Марказий Осиёга Хижоздан кириб келган ақидапарастлик оқими. Ақидапарастлик хунрезлик аломатлари.

Маданият социологиси. Маданият тушунчаси ва унинг мазмуни. Моддий ва маънавий маданият. Уларнинг ўзаро узвий боғлиқлиги. Маданиятнинг шаклланиши ва ривожланиши. Маданиятнинг моддий ва номоддий қадрпиятлар билан боғлиқ турлари. Ижтимоий институтларнинг кўринишлари. Цивилизация ва унинг таснифи. Маданий статика ва маданий динамка тушунчалари. Маданият мажмуи. Маданият шакллари: элитар ва оммавий.

Аҳлоқ илми ҳақидаги назарий мерос: Фаробий, Ибн Сино, Хусайн Воис Кошифий, Насириддин Тусий, Жалолиддин Давоний ва бошқа мутафаккир аждодларимизнинг аҳлоқ илмига оид асарлари. Аҳлоқ социологияси. Аҳлоқ тушунчаси. Аҳлоқ ижтимоий онг шакли сифатида. Аҳлоқ ва ижтимоий муносабатлар. Аҳлоқ ва жамоатчилик фикри. Матриархит ва патриархит тузумлари ва аҳлоқ. Президент И.Каримовнинг аҳлоқ тўғрисидаги фикрлари. Француз олими Бержнинг аҳлоқ тўғрисидаги мушохадалари. Умуминсоний аҳлоқ тамойиллари ҳақида. Миллий мафкура ва унинг социологик асослари.

**Таянч сўз ва иборалар**

Фан, дин, аҳлоқ ва жамоатчилик фикри, Маданий статика , маданий динамка Цивилизациява унинг таснифи., матриархит ва патриархит. назарий мерос.

**Назорат ва мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1.Дин социологиясини ўрганишнинг аҳамияти қандай ?.
2.Маданият социологияси унинг ўрни нималардан иборат.
3. Аҳлоқ ва ижтимоий муносабатларнинг аҳамияти..

**Адабиётлар.**


1. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. Тошкент, «Шарқ», 1999.
2. Каримов И.А Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Тошкент, «Ўзбекистон», 2000.
3. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси. Тошкент, «Ўзбекистон», 2000.
4. Алиқориев Н.С. ва бошқалар. Умумий социология. Тошкент, ТошДУ,1999.
5. Бекмуродов М. Социология асослари. Тошкент, «Фан», 1994.
6. Бегматов А. Социологияга кириш. Андижон, 1995.
7. Холбеков А., Идиров У. Социология. Луғат. Тошкент. «Ибн Сино» , 1999.
8. Бекмуродов М., Ота-Мирзаев О. Алиқориев Н. Ва бошқалар. Социология. Тошкент 2000.
9. Энтони Гидденс. Социология.Тошкент, 2002.
10. Жураев Н. «Тарих фалсафаси» Т. «Маънавият»1999.
11. «Умумий социология» Т.ТошДУ.1999.184-б
12. Абу Наср ал-Форобий «Фозил одамлар шаҳри».Т1998.
13. Инсон ва жамият курси бўйича қўшимча ўқув қўлланма. Т.Ғ.Ғулом
14. номидаги адаб. ва сан.нашр.1999.
15. Радугин А.А.,Радугин К.А. «Социология» М.,1996.10-20б
16. Лаврненко Р.Н. «Социология» М.,1998.
17. Убайдуллаева Р.Т. «Социология» Т.,1999.
18. Хан С.,Хан Р. «Социология» Т.Адолат.1999.27-б


**7 - машғулот.** Ижтимоий стратификация,ёшлар Девиант хулқ-атвор социологияси.

**Режа:**

1. Жамиятни стратификацион тасниф этишдаги фикрлар хилма хиллиги.
2. Ёшлар социологияси.
3. Девиант хулқ-атвор социологияси.

Ижтимоий стратификация социологияси. Жамиятни стратификацион тасниф этишдаги фикрлар хилма-хиллиги. Оламий уйғунлик назарияси тўғрисидаги фикрлар (Гераклит, Платон, Аристотель). Стратификация социологиянинг асосий тушунчаларидан бири сифатида. Ижтимоий страталар концепциясининг илмий асослари. Ижтимоий ўзгарувчанлик турлари. Ўзбекистонда мавжуд стратификацион тизилмалар. Жамиятдаги ижтимоий табақаларни ўрганишнинг асосий тамойиллари.

Ёшлар социологияси тушунчаси. Ёшларнинг ижтимоий манфаатларини ўрганиш концепцияси. Ёшлар жамиятнинг алоҳида социал гуруҳи. Ёшлар социологиясининг таснифий босқичлари. Ёшлар потенцияли ва уларнинг социологик тадқиқотини ўрганиш ижтимоий эҳтиёт сифатида.

Девиант хулқ-атвор социологияси – ижтимоий меъёр ва унинг хусусиятлари. Девиант хулқ-атвор турлари: жиноятчилик, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, фоҳишабозлик, маҳаллийчилик ва бошқалар. Девиант хулқ-атвор ғарб социологларининг тадқиқотларида. Шахсларда девиант холатларнинг намоён бўлишига таъсир қилувчи омиллар. Зиддиятли холатлар ва ижтимоий ечимлар. Ижтимоий назорат институтлари.

**Таянч сўз ва иборалар.**

Жамиятни стратификацион тизими, ёшлар потенцияли, девиант хулқ-атвор, ижтимоий ечимлар. Ижтимоий назорат институтлари, Ижтимоий страталар концепцияси, илмий асослар, Ижтимоий ўзгарувчанлик.

**Назорат ва мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1.Жамиятни стратификацион тасниф этишдаги фикрлар хилма хиллиги қандай?

2.Ёшлар социологиясини аҳамияти нималардан иборат..

3.Девиант хулқ-атвор деганда нималарни тушунасиз?.

Адабиётлар:


1. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. Тошкент, «Шарқ», 1999.
